Гос. книжная палата УзССР
6 АПР 1993

*Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

23 МАРТ, СЕШАНБА № 58 (561). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

# 21 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ НАВРЎЗНИ КЕНГ НИШОНЛАДИ











Махсус мухбиримиз ТОҲИРЖОН ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Америка халқи номидан Сизни ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросини улуғ айём — Наврўз билан муборакбод этаман. Янги йил ўзбек халқига яна шунинг учун ҳам гуллаб-яшнаш, яшариш фаслидирким, Сиз бу улуғ айёмни иккинчи марта мустақил давлат сифатида байрам қилаётирсиз. Америка Қўшма Штатлари истиқлолингиз, эгаменлигингизни ҳамда ҳақиқий демократия, эркин бозор иқтисодиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайди. Оғир синовлар, қийинчиликларга дуч келаётганингизни биламиз, эзгу ниятларингиз ижобат топиши йўлида сизлар билан ҳамкорлик қиламиз деган умиддамиз.

Янги йил Сизга ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросига тинчлик ва равнақ бахш этсин.

Эҳтиром ила,

**Билл Д. КЛИНТОН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**
**Вашингтон.**

## ГАЗЧИЛАР ҲУЗУРИДА

### РОССИЯ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ





**СУРАТЛАРДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Россия Федерацияси Вазирлар Кенгашининг раиси В. Черномирдин билан Самарқанд ва Муборакда бўлиши. (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Вазирлар Кенгашининг раиси Виктор Черномирдин 20 март куни Қарши шаҳрига ташриф буюришди.

Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Қашқадарё вилоятининг Муборак газни қайта ишлаш заводида бўлиб, у ерда газдан олтингугурт ва конденсат ажратиб олиш тармоқларидаги иш шароитлари билан танишди. Маълумки, мазкур завод Марказий Осиё давлатларини табиий ёнилғи билан таъминлашда катта қувватга эга бўлган корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили 24 миллиард куб метр газ, 500 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилади.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Россия Федерациясининг бундан кейин шу соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиши — газни қайта ишлаш соҳасида яна яхшироқ самара бериши мумкинлигини таъкидлаб, корхона мутахассисларининг фаолиятига катта баҳо берди.

В. Черномирдин Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик ва ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳар икала давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун айни муддао эканини таъкидлади. Россия ҳукуматининг бошлиғи собиқ СССР Газ саноати вазирининг ўринбосари ва вазири бўлиб ишлаган кезларда бу корхонага кўп келганини эслади.

Шу куни В. Черномирдин бошлиқ Россия ҳукумат делегацияси ватанига жўнаб кетди.

Қарши аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

## ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. ЖЎРАБЕКОВНИНГ 1993 ЙИЛ 19 МАРТДА РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**Ҳурматли ғаллакорлар!**

**Бундай кенгаш Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан биринчи марта ўтказилаяпти. Бунинг сабабини сизлар яхши биласизлар. Халқимизни дон билан таъминлаш асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Биз озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга катта миқдорда валюта сарфлашга мажбур бўлаяпмиз.**

Шуни айтиш керакки, дон етиштиришни кўпайтириш ва давлат ресурсларини тўлдириш бўйича ўз имкониятларимиздан мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Кўпчилик раҳбарлар ва мутахассислар дон экинларига бефарқ қараяптилар, давлат манфаатларини кўзлаб иш олиб бормаётирлар. Натижада дон хўжаликлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бунинг оқибатида дон экинлари учун ажратилган ерлардан қониқарсиз фойдаланиляпти.

Ўтган йили колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликларда 1 миллион 138 минг гектар майдонга ғалла экилди. Улардан 76 минг

(Давоми 4-бетда).

